

## Одамлар сени ёқтираётган бўлса

20:24 / 19.05.2017 4103

Одамлар сени ёқтираётган бўлса, билгинки, улар Аллоҳ сенда зоҳир қилиб қўйган нарсаларни ёқтиришяпти, холос. Улар ҳали Аллоҳ сатр қилиб қўйган (бировлардан яширган) қабиҳликларингни билишмайди. Шундай экан, мағрур бўла кўрмаки, бу Аллоҳнинг гўзал сатридир. Аллоҳдан дунёю охирада ушбу сатр ва офиятни сен учун бардавом қилишини сўра.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дуо қилардилар:

يَا غَوْرُ نَمْ آو، يَا زَوْعُ رُتْ سَا مُلَلِ

**«Аллооҳуммастур ъавротии ва аамин ровъати» («Аллоҳим! Уят ишларимни яшир, қўрқинчимни омонликка айлантир».**

*Абу Довуд, Насай ва Ибн Можалар ривоят қилган.*